

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

МИРЗАЕВ НОМАЗ

**КАТТА ЎЛЧАМДАГИ БЕЛГИЛАР ФАЗОСИДА ТАНИБ ОЛИШ
ОПЕРАТОРЛАРИНИ СИНТЕЗ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМий-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

МИРЗАЕВ НОМАЗ

**КАТТА ЎЛЧАМДАГИ БЕЛГИЛАР ФАЗОСИДА ТАНИБ ОЛИШ
ОПЕРАТОРЛАРИНИ СИЊТЕЗ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАИЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/T299 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Фозилов Шавкат Хайруллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Гулямов Шухрат Манапович
техника фанлари доктори, профессор
Рустамов Насим Тулагенович
техника фанлари доктори, профессор
Примова Хонида Анорбоевна
техника фанлари доктори


Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «14» феврал соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (150 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2020 йил «31» декабр кунини тарқатилди.
(2019 йил «24» декабр даги 1 рақамли реестр баённомаси.)




Р.Х.Ҳамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент


М.А.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда маълумотларга ишлов бериш, тимсолларни таниб олиш ва маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда таниб олиш ва таснифлаш тизимларини ишлаб чиқиш шунингдек, уларни ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни бошқариш, техник ва тиббий ташхислаш, шахсни биометрик идентификациялаш ва инсон фаолиятини бошқа соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг муҳим масаласи ҳисобланади. Ҳозирги кунда таниб олиш ва таснифлашнинг турли усуллари, жумладан детерминистик, статистик ва мантиқий усуллари ишлаб чиқилган ва тадқиқ қилинган. Хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия, Жанубий Корея, Канада, Россия Федерацияси, Сингапур, Украина, Хитой, Хиндистон, Япония ва бошқаларда таниб олиш ва таснифлаш муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли табиатга эга объектлар ҳолатларини таниб олиш ва башорат қилишга мўлжалланган интеллектуал ахборот тизимларида фойдаланиладиган усул ва алгоритмларни ишлаб чиқишга йўналтирилган кенг қўламдаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга қарамадан катта сондаги белгилар билан тавсифланувчи объектларни таниб олиш масалаларини ечишга қаратилган усул ва алгоритмларни яратиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган, бу эса маълумотларнинг катта массивларини таҳлил қилиш тизимлари ва технологияларининг самарадорлигини оширишни таъминловчи таниб олиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш заруриятига олиб келади.

Республикамызда барча иқтисодий ва ижтимоий соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга, жумладан ахборотларга компьютерли ишлов бериш ва маълумотларни таҳлил қилиш, таниб олиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодий, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазибалари белгиланган. Мазкур вазибаларни амалга оширишда тимсолларни таниб олиш усулларида фойдаланиб қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимларни яратиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

«Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 октябрдаги 838-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга қўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа мсъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Тимсолларни таниб олиш усул ва тизимларини ишлаб чиқиш бўйича, жумладан таниб олиш алгоритмлари моделларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Carnegie Mellon University, San Jose State University, University of California (АҚШ), Darmstadt University of Applied Sciences (Германия), Tokyo Institute of Technology (Япония); Institute of Intelligent Machines (Хитой), «Информатика ва бошқариш» Федерал илмий тадқиқотлар маркази, В.А.Трапезников номидаги Бошқариш муаммолари институти, Марказий-иқтисодий математика институти, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти, С.Л.Соболев номидаги Математика институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Москва физика-техника институти (Россия Федерацияси), В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти (Украина), Информатика муаммолари бирлашган институти (Беларус Республикаси), Бошқариш тизимлари институти (Озарбайжон Республикаси), Ахборот ва ҳисоблашлар технологиялари институтида (Қозоғистон Республикаси) кенг қамровли илмий тадқиқот ишлар олиб борилмоқда.

Тимсолларни таниб олиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш ҳамда объектларни таснифлаш тизимларини такомиллаштириш бўйича жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидагилардан иборат бир қатор натижалар олинган: маълумотларга дастлабки ишлов бериш усул ва алгоритмлари яратилган (Stanford University, Massachusetts Institute of Technology, International Institute of Forecasters, АҚШ);

²Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://tekhnosfera.com/sistema-pervichnoy-obrabotki-dannyh-distantsionnogo-zondirovaniya-zemli>, <http://www.mmro.ru/files/2007-mmro-13.pdf>, <https://arxiv.org/abs/1903.11551>, <https://www.futa.edu.ng/>, <https://link.springer.com/article/10.1007/s10916-018-1107-2>, <https://arxiv.org/pdf/1806.01844.pdf>, <https://dl.acm.org/citation.cfm?doid=2070736.2070745>, <http://www.iste-cc.cmu.edu/publications/papers/2011/ICDE2011.pdf>, <https://cloud.google.com/speech-to-text/>, <https://cyberleninka.ru/article/n/o-fizicheskoy-strukture-zvukov-z-z-zh-zh>, <https://www.kairos.com/industries>, <https://azure.microsoft.com/en-us/services/cognitive-services/facel/>, <https://www5.cs.fau.de/fileadmin/Persons/MayerMarkus/mayerARVO2008.pdf> ва бошқа маълумотлар асосида ишлаб чиқилган.

«Информатика ва бошқариш» Федерал тадқиқот маркази, В.А.Трапезников номидаги Бошқариш муаммолари институти, Санкт-Петербург информатика ва автоматлаштириш институти, Марказий иқтисодий-математика институти, С.Л.Соболев номидаги Математика институти, Москва физика-техника институти, Россия Федерацияси; Transport and telecommunication institute, Латвия); тимсолларни таниб олишнинг математик усуллари, жумладан алгебраик усуллари ишлаб чиқилган («Информатика ва бошқариш» Федерал тадқиқот маркази, В.А.Трапезников номидаги Бошқариш муаммолари институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети, Москва физика-техника институти, Россия Федерацияси; Massachusetts Institute of Technology, San Jose State University, АҚШ; В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти, Украина; Информатика муаммолари бирлашган институти, Беларус Республикаси); катта ҳажмдаги маълумотларга ишлов бериш ва уларни таҳлил қилиш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган («Информатика ва бошқариш» Федерал тадқиқот маркази, Марказий иқтисодий математика институти, С.Л.Соболев номидаги Математика институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Москва физика-техника институти, Россия Федерацияси; University of the Fraser Valley, Канада; University of Malaya, Малайзия; Indian Statistical Institute, Ҳиндистон; В.М.Глушков номидаги Кибернетика институти, Украина).

Дунёда тимсолларни таниб олиш ва объектларни таснифлашнинг мавжуд усуллари ривожлантириш ва янгиларини яратиш бўйича қатор истикболли йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: таниб олиш тизимларини интеллектуаллаштиришга имкон берувчи нейрон тўрларига асосланган усулларни ишлаб чиқиш; катта ўлчамдаги белгилар фазосида объектларни таниб олиш алгоритмларини ишлаб чиқиш; “юмшоқ” ҳисоблашлар технологиясидан фойдаланган ҳолда тасвирдаги объектлар, нутқ ва шахсни таниб олиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрғанилганлик даражаси. Тимсолларни таниб олиш масаласи кўп йиллар давомида бутун дунё олимларининг диққат марказида бўлиб келаётганлигига қарамасдан, сўнгги йилларда ушбу мавзу бўйича илмий мақолалар сонининг мунтазам равишда ортиб бориши кузатилмоқда. Бунинг сабаби фан ва техниканинг турли масалаларини ечиш учун таниб олиш усул ва алгоритмларини қўллаш соҳаларини узлуксиз кенгайтиши ҳисобланади. Адабиётлар таҳлили тимсолларни таниб олиш назариясининг ривожланиши икки bosқичга бўлинишини кўрсатди. Биринчи bosқичда аниқ бир амалий масалани ечишга йўналтирилган алгоритмлар ишлаб чиқилган ва уларнинг аҳамияти энг аввало эришилган тажрибавий натижалар билан белгиланган. Ривожланишнинг иккинчи bosқичи эса алоҳида қўлланиладиган таниб олиш алгоритмларидан услубий жиҳатдан ушбу алгоритмларнинг ягона тавсифидан иборат бўлган алгоритмлар моделларини (оиласини) қуришга ўтиш билан характерланади. Айни пайтда таниб олиш алгоритмларининг бир қатор моделлари, жумладан статистик, потенциал функцияларга асосланган, баҳоларни ҳисоблашга асосланган ва бошқа моделлар яратилган.

Тимсолларни таниб олиш усулларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга С.В.Абламсейко, М.А.Айзсман, В.В.Александров, Н.Д.Горский, Э.М.Бравсман, В.П.Ваншик, В.И.Васильев, Э.Э.Гасанов, Ю.И.Журавлев, П.Г.Загоруйко, Г.С.Лбов, В.Б.Кудрявцев, Л.А.Растринин, К.В.Рудаков, В.В.Рязанов, Д.И.Самаль, С.А.Субботин, В.В.Старовойтов, М.И.Шлезингер, R.Gonzales, R.Duda каби хорижий олимлар катта ҳисса қўшдилар.

Мамлакатимизда тимсолларни таниб олиш бўйича илмий мактабни шакллантиришга М.М.Камилов, З.Т.Адилова, Ф.Т.Адилова, Э.М.Алиев, Р.А.Лутфуллаев, М.Х.Тешабасва, Ш.Е.Туляганов ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Тимсолларни таниб олиш назариясини, тасвирлар ва нуқт сигналлари кўринишида ифодаланган маълумотларга ишлов беришни янада ривожлантиришга республикамизда Н.А.Игнатъев, С.С.Содиқов, П.Т.Рустамов, Ш.Х.Фозилов, Р.Ҳ.Ҳамдамов кабиларнинг илмий ишлари бағишланган.

Тимсолларни таниб олиш бўйича ишларни ҳамда усул ва алгоритмларни турли амалий масалаларни счишда амалий қўлланилиши натижаларини таҳлили тимсолларни таниб олиш соҳасидаги бир қатор назарий ва амалий масалаларнинг чуқурроқ ва тўлиқроқ тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатади. Уларга катта сондаги белгилар билан тавсифланган объектларни таснифлаш масалаларини реал вақт режимида счишни таъминловчи алгоритмларни ишлаб чиқиш масаласи ҳам киради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий тадқиқот режасининг ФА-Ф1-Ф015+Ф056 «Намаълумлик шароитида ахборотни қайта ишлаш ва тимсолларни таниб олиш интеллектуал тизимининг назарий асослари» (2007-2011); Ф4-ФА-Ф004 «Қисмий прецедентликка асосланган информацион таниб олиш тизимларининг назарияси ва уларни маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш учун татбиқ этиш усуллари» (2012-2016); БВ-М-Ф4-003 «Бир-бирига боғлиқ белгиларни баҳолашга асосланган таниб олиш операторларини синтезлаш усуллари» (2017-2019) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади катта ўлчамли белгилар фазосида тимсолларни таниб олиш масалаларини счишни таъминловчи ва радиал функцияларга асосланган таниб олиш операторлари моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

диссертация тадқиқоти муаммосининг ўрганилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тимсолларни таниб олиш назариясининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

афзал белгилар ва белгиларнинг афзал бирикмаларини ажратишга асосланган таниб олиш операторлари моделларини ишлаб чиқиш;

репрезентатив объектларга нисбатан ажратилган афзал белгилар ва белгиларнинг афзал бирикмаларига асосланган таниб олиш операторлари моделларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган таниб олиш операторларини параметрлаштиришни амалга ошириш;

ишлаб чиқилган таниб олиш операторларининг корректлиги ва турғунлигини текшириш;

экстремал таниб олиш операторларини куриш усулларини ишлаб чиқиш; модель ва амалий масалаларни ечиш асосида таклиф этилган таниб олиш операторларининг иш қобилиятини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «объект-белги» жадваллари кўринишида берилган, турли хил табиатга эга бўлган маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил этиш жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида катта ўлчамли белгилар фазосида берилган объектларни таниб олиш масаласини ечишга мўлжалланган алгоритмларнинг моделлари қаралган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишдаги назарий тадқиқотлар дискрет математика усуллари, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, ҳисоблаш математикаси, тимсолларни таниб олиш назарияси ва ўқитилувчи ҳамда назорат танламаларини таниб олиш жараёнларини компьютерли моделлаштириш усулларига асосланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

алоҳида афзал белгилар ёки белгиларнинг афзал бирикмаларини ажратишга асосланган таниб олиш операторларининг моделлари ишлаб чиқилган;

репрезентатив объектларга нисбатан алоҳида афзал белгилар ёки белгиларнинг афзал бирикмаларини ажратишга асосланган таниб олиш операторларининг моделлари ишлаб чиқилган;

афзал белгиларини ва репрезентатив объектларни (АБРО) ажратишга асосланган таниб олиш операторлари моделларининг параметрик ифодаси ишлаб чиқилган;

АБРО ажратишга асосланган таниб олиш операторлари моделларининг алгебраик туташуви доирасида коррект ва турғун таниб олиш алгоритми мавжудлиги исботланган;

АБРО ажратишга асосланган таниб олиш операторлари моделларининг ҳар бирига мос аниқланган параметрик фазода экстремал таниб олиш операторларини куриш масаласи шакллантирилган ва уни ечиш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таниб олиш учун фойдали ахборотни сақлаган ҳолда бошланғич белгилар фазоси ўлчамини пасайтиришга имкон берувчи кучли боғланган белгиларнинг қисм-тўпламларини ажратиш процедуралари ишлаб чиқилган;

таниб олиш натижалари аниқлигини оширишни таъминловчи репрезентатив ва афзал белгиларни ҳамда белгиларнинг афзал бирикмаларини аниқлаш процедуралари ишлаб чиқилган;

таниб олиш масалаларини юқори аниқликда ва реал вақт режимида ечишга имкон берувчи алгоритмлар яратилган;

амалий таниб олиш тизимларини, жумладан ёниқ ҳудудлар ва хоналарга киришни назорат қилиш ва бошқариш ҳамда ахборот тизимлари ва компьютер тармоқларида фойдаланувчиларни аниқланилишини таъминловчи шахсни биометрик идентификация қилиш, шунингдек информаціон тизимлар вакомпьютер тармоқларидан фойдаланувчиларни аниқлаш тизимларини яратишга мўлжалланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги таниб олиш операторлари моделларининг ҳар бирига мос равишда аниқланган параметрик фазода экстремал операторларни куриш масаласининг тўғри қўйилганлиги ва математик жиҳатдан қатъий ечилганлиги, модел ва амалий масалаларни ечиш орқали ўтказилган тажриба тадқиқотларининг ижобий натижалари, ҳамда ишлаб чиқилган таниб олиш операторларининг самарадорлиги ҳақидаги назарий ҳулосалари билан таниб олиш ҳатолигининг тажрибавий баҳоси мос келганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти радиал функцияларга асосланган афзал белгилар фазосида таниб олиш алгоритмларининг ишлаб чиқилган янги моделлари асосида тимсолларни таниб олиш назариясининг ривожлантирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари моделлари катта ўлчамли белгилар фазоси шароитида амалий масалаларни ечиш имкониятини таъминлаш ҳисобига таниб олиш алгоритмларидан фойдаланиш соҳаларини кенгайтириши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Белгилар фазоси ўлчамининг катталигини ҳисобга олган ҳолда таниб олиш операторларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

белгиларнинг ўзаро боғлиқликларини баҳолашга асосланган таниб олиш алгоритмлари ва яратилган дастурий мажмуа «UNICON.UZ» Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази Давлат унитар корхона фаолиятига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7393-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида шахсни юз тасвири бўйича идентификация қилишга асосланган киришни назорат қилиш тизимининг аниқлик даражасини 15% га ошириш имкони яратилган;

белгиларни боғлиқлик моделларининг афзал гуруҳини ажратишга асосланган таниб олиш алгоритмлари ва улар асосида ишлаб чиқилган дастурий таъминот «Хавфсиз шаҳар» жамоат тартибига қўмаклашиш марказига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7393-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси ташқи кузатув тизимлари орқали объектларни таниб олиш вақтини 10% га қисқартириш имконини берган;

белгиларнинг ўзаро боғлиқликларини баҳолаш ва радиал функцияларга асосланган таниб олиш алгоритмлари ва улар асосида ишлаб чиқилган дастурий таъминот «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш марказига жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 33-8/7393-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси яширин сўзни киритаётган фойдаланувчини аутентификация қилиш аниқлигини 10% га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий назарий ва амалий натижалари 13 та халқаро, 11 та чет эл ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқотнинг асосий натижалари 84 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 30 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан 5 таси хорижий журналларда ва 25 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 7 та ЭҲМ учун дастурларни расмий рўйхатдан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқ диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилликлари ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Радиал функцияларга асосланган таниб олиш операторлари моделларини ишлаб чиқиш» номлаган биринчи бобида тисмолларни аниқлаш бўйича адабиётлар таҳлили асосида мавжуд бўлган турли таниб олиш алгоритм моделлари (оилалари) аксарият кичик ўлчамли белгилар фазосида ва белгиларнинг ўзаро боғлиқ эмаслиги (ёки кучсиз боғлиқлиги) ҳақидаги тахминлар шароитида таниб олиш масалаларни еча олишлари кўрсатилган. Мазкур ҳолат ушбу алгоритмларнинг амалий қўллаш соҳасини чегаралаб қўйган, шунинг учун бу муаммони бартараф этишда масалани ечиш учун объектларни ифодаловчи катта ўлчамли белгилар фазоси

ва корреляцияланган белгилар мавжуд бўлган ҳолатда таниб олиш алгоритмлар моделларини ишлаб чиқиш зарурияти асосланган.

1.1-параграфда ишнинг назарий қисмини баён этишда фойдаланилган асосий тушунчалар ва белгилашлар Ю.И. Журавлев ва унинг илмий мактаби ўқувчилари томонидан киритилган терминологияга мувофиқ келтирилган.

Фараз қилайлик, мумкин бўлган объектларнинг бирор \mathfrak{S} тўплами берилган бўлсин:

$$\mathfrak{S} = \bigcup_{j=1}^l K_j, \quad K_i \cap K_j \neq \emptyset, \quad i \neq j, \quad i, j \in \{1, \dots, l\}.$$

Мумкин бўлган объектлардан қандайдир бир танлангани ажратиб оламиз: $S_1, \dots, S_u, \dots, S_m$ ($\forall S_u \in \mathfrak{S}, u = \overline{1, m}$). Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$\tilde{S}^m = \{S_1, \dots, S_u, \dots, S_m\}, \quad \tilde{K}_j = \tilde{S}^m \cap K_j, \quad C\tilde{K}_j = \tilde{K}_j \setminus \tilde{S}^m.$$

Бошланғич маълумот J_0 қуйидагича киритилади:

$$I_0 = \{S_1, \dots, S_u, \dots, S_m; \tilde{\alpha}(S_1), \dots, \tilde{\alpha}(S_u), \dots, \tilde{\alpha}(S_m)\},$$

$$\tilde{\alpha}(S_u) = (\alpha_{u1}, \dots, \alpha_{uj}, \dots, \alpha_{ul}),$$

бу ерда $\alpha_{uj} - P_j(S_u)$ предикатнинг қиймати ($P_j(S_u) = "S_u \in \tilde{K}_j"$), яъни

$$P_j(S_u) = \begin{cases} 1, & \text{агар } S_u \in \tilde{K}_j; \\ 0, & \text{агар } S_u \notin \tilde{K}_j. \end{cases}$$

Ихтиёрий A таниб олиш алгоритмини кетма-кет бажариладиган B ва C операторлар сифатида тасвирлаш мумкин, яъни

$$A = B \cdot C,$$

бу ерда B – таниб олиш оператори, C – ҳал қилувчи қоида.

Таниб олиш B оператори (яқинлик ўлчови) объектларни берилган синфларга тегишли эканлигини баҳолаб беради, оператор C эса объектларни берилган синфларнинг бирига тегишлилиги қарорини шакллантириб беради.

Тимсолларни таниб олишнинг асосий масаласи (Z масала) I_0 ахборот ва мумкин бўлган S объектнинг $I(S)$ тавсифи орқали $P_j(S)$ ($P_j(S) = "S \in K_j"$) элементар предикатларнинг қийматларини ҳисоблашдан иборат.

Бошқача айтганда, шундай A алгоритмни куриш керакки, у қуйидаги тенгликни қаноатлантирсин:

$$A(I_0, I(S)) = (\alpha_1^A(S), \alpha_2^A(S), \dots, \alpha_l^A(S)),$$

бу ерда $\alpha_j^A(S) \in \{0, 1, \Delta\}$, $j = \overline{1, l}$.

l-таъриф. A таниб олиш алгоритми коррект бўлади, агар Z масала учун қуйидаги шартлар бажарилса:

$$1) A(I_0, \tilde{S}^q) = \|\beta_{ij}\|_{q \times l}, \quad \beta_{ij} \in \{0, 1\};$$

$$2) \delta_{\max} = 0, \quad \text{где } \delta_{\max} = \max \{|\alpha_{ij} - \beta_{ij}| : i \in \{1, \dots, q\}; j \in \{1, \dots, l\}\}.$$

Бошқа сўзлар билан айтганда, фақат коррект алгоритмгина берилган танланманинг объектларини хатосиз таниб олишни таъминлайди.

2-таъриф. А таниб олиш алгоритми $S_i \in \{S\}$ объектнинг $\sigma_s(S_i)$ бирор атрофида тургун деб аталади, агар

$$\forall S_i \in \{S\}, A(I_0, S_i) = \tilde{\beta}_i, \forall D_i \in \sigma_s(S_i), A(I_0, D_i) = \tilde{\beta}_i$$

шартлардан $\rho_R(\tilde{\beta}_i, \tilde{\beta}_i) = 0$ келиб чиқса.

Бошқача айтганда, агар таниб олиш объекти кичик миқдорга ўзгарганида ҳам таниб олиш A алгоритмининг натижаси дастлабки натижа билан бир хил бўлса, A алгоритм тургун деб аталади.

3-таъриф. Бир хил формаллаштирилган тавсиф билан тасвирланадиган алгоритмлар оиласи таниб олиш алгоритмларининг модели деб аталади.

Келтирилган тушунча ва таърифларни ҳисобга олган ҳолда ишда счиладиган масала шакллантирилган бўлиб, у қуйида келтирилган.

Фараз қилайлик, катта ўлчамдаги X ($X = (x_1, \dots, x_i, \dots, x_n)$) белгилар фазосида $\tilde{S}^m = \{S_1, \dots, S_u, \dots, S_m\}$ объектлар тўплами берилган. Радиал функцияларга асосланган шундай B таниб олиш операторини куриш керакки, у C ҳал қилиш қондасидан фойдаланган ҳолда бошлангич қиймат J_0 орқали β_{uj} ($\beta_{uj} = P_j(S_u), \beta_{uj} \in \{0, 1, \Delta\}$)ни топишга ёрдам берсин:

$$B(\tilde{S}^m) = \|b_{uj}\|_{m \times l},$$

$$C(\|b_{uj}\|_{m \times l}) = \|\beta_{uj}\|_{m \times l}.$$

Бу ерда $\beta_{uj} = 1$ ҳоли S_u объект \tilde{K}_j синфга киришини, $\beta_{uj} = 0$ ҳоли S_u объект \tilde{K}_j синфга кирмаслигини ва $\beta_{uj} = \Delta$ ҳоли эса B оператор характеристик функциянинг қийматини аниқлай олмаганини билдиради.

Бундан ташқари, ушбу бобда белгилар фазосининг ўлчами катта бўлган ҳолда таниб олиш операторлари моделларини сингез қилишга доир икки ёндашув таклиф этилган. Биринчи ёндашув афзал белгиларни шакллантиришга, иккинчиси эса репрезентатив объектларни шакллантиришга асосланган.

Биринчи ёндашув доирасида афзал белгилар фазосида қурилган таниб олиш операторларининг модели (\mathfrak{M}_1 модели), ҳамда белгиларнинг афзал бирикмалари фазосида қурилган таниб олиш операторларининг модели (\mathfrak{M}_2 модели) таклиф этилган.

Иккинчи ёндашув доирасида репрезентатив объектларга нисбатан афзал белгиларни ажратиб олишга асосланган таниб олиш операторларининг модели (\mathfrak{M}_3 модели), ҳамда репрезентатив объектларга нисбатан белгиларнинг афзал бирикмаларини ажратиб олишга асосланган таниб олиш операторларининг модели (\mathfrak{M}_4 модели) таклиф этилди.

1.2-параграфда таниб олиш операторлари \mathfrak{M}_1 ва \mathfrak{M}_2 моделларининг, 1.3-бўлимда эса таниб олиш операторлари \mathfrak{M}_3 ва \mathfrak{M}_4 моделларининг тавсифи келтирилган. Таниб олиш операторлари моделларининг тавсифи уларнинг бажарилиш босқичлари кўринишида тақдим этилган.

\mathfrak{M}_1 модели қуйидаги босқичлар кўринишида берилди.

1-босқич. Кучли боғланган белгиларнинг қисм тўпламини ажратиш. Бу босқичда кучли боғлиқ бўлган белгиларнинг n' ($n' < n$) та «эркли» қисм тўшамлари аниқланади.

2-босқич. Репрезентатив белгилар мажмуасини шакллантириш. Бу босқичда ҳар бири «эркли» қисм тўшамларнинг вакили бўлган n' репрезентатив белгилар аниқланади.

3-босқич. Афзал белгиларни ажратиш. X' репрезентатив белгилар тўшамидан афзал белгини танилаш S^m тўшамга тегишли объектларни икки K_j ва $C K_j$ қисм тўшамларга ажратишда қаралаётган белгининг устушлик баҳоси асосида амалга оширилади.

4-босқич. S_u ва S объектлар орасидаги $d(S_u, S)$ тафовут функциясини аниқлаш. Ушбу босқичда X'' афзал белгилар фазосида S_u ва S объектлар орасидаги фарқни характерловчи тафовут функцияси берилади. Бу объектлар орасидаги фарқ қуйидагича аниқланади:

$$d(S_u, S) = \sum_{q=1}^{n''} \lambda_q \varrho_q(a_{u1q}, a_{1q}),$$

бу ерда λ_q – q -белгининг муҳимлигини характерловчи номаълум коэффициент; $\varrho_q(a_{u1q}, a_{1q})$ – полуметрика.

5-босқич. S объект ва K_j синф орасидаги $B(K_j, S)$ умумлаштирилган тафовут функциясини аниқлаш. Бу функция қуйидагича аниқланади:

$$D(K_j, S) = \sum_{S_u \in K_j} \gamma_u d(S_u, S),$$

бу ерда γ_u – ўқув танланмасидаги S_u объектнинг муҳимлигини характерловчи параметр.

6-босқич. S объект ва K_j синф орасидаги $R(K_j, S)$ яқинлик функциясини аниқлаш. Бу функция радиал функциялар ёрдамида аниқланади ва қуйидаги кўринишга эга:

$$R(K_j, S) = \frac{1}{1 + \tau D(K_j, S)},$$

бу ерда τ – радиал функциянинг параметри.

7-босқич. S объект ва K_j синф орасидаги $B(K_j, S)$ умумлаштирилган яқинлик функциясини аниқлаш. Бу функция қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$B(K_j, S) = \delta_j' R(K_j, S) - \sum_{\substack{u=1 \\ u \neq j}}^1 \delta_u' R(K_u, S).$$

бу ерда δ_j' – нормаллаштирувчи параметр.

\mathcal{M}_2 модели қуйидаги босқичлар кўринишида берилади.

1-босқич. Кучли боғланган белгиларнинг қисм тўпламини ажратиш. Бу босқич \mathcal{M}_1 моделнинг 1-босқичи каби бажарилади.

2-босқич. *Репрезентатив белгилар мажмуасини шакллантириши.* Бу босқич \mathbb{M}_1 моделнинг 2-босқичи каби бажарилади.

3-босқич. *Икки ўлчамли репрезентатив белгилар фазосида S_u ва S объектлари орасидаги $d_v(S_u, S)$ тафовут функциясини аниқлаш.* Бу функция икки ўлчамли репрезентатив белгилар фазоси \mathcal{D} ($\mathcal{D} = (\mathcal{D}_1, \dots, \mathcal{D}_v, \dots, \mathcal{D}_n)$, $\mathcal{D}_v = (x_{v_1}, x_{v_2})$, $x_{v_1}, x_{v_2} \in X'$) да қуйидагича ҳисобланади:

$$\delta_{1v}(S_u, S) = \sum_{i=1}^2 \gamma_{1v_i} (a_{uv_i} - a_{v_i})^2,$$

бу ерда $\gamma_{1v_i} - x_{v_i}$ белгининг муҳимлигини тавсифловчи параметр; $a_{uv_i} - S_u$ объектнинг x_{v_i} белгисига мос қиймати; $a_{v_i} - S$ объектнинг мазкур белгиси қиймати.

4-босқич. *Кучли боғланган репрезентатив белгилар бирлашмаларининг қисм тўпламларини шакллантириши.* Бу босқичда ўзаро боғлиқ бўлган белгилар бирикмаларининг k' «эркли» қисм тўпламлари мажмуаси аниқланади. Бундай қисм тўпламларни шакллантириш кучли боғланган белгилар бирикмаларининг қисм тўпламлари яқинлигини баҳолаш асосида бажарилади.

5-босқич. *Белгиларнинг репрезентатив бирикмалар мажмуасини ажратиши.* Бу босқичда ҳар бир кучли боғланган белгилар бирикмаларининг қисм тўпламларидан вакил танлаш асосида белгиларнинг репрезентатив бирикмалари аниқланади.

6-босқич. *Белгиларнинг афзал репрезентатив бирикмалар мажмуасини ажратиши.* Бу босқичда S^m тўпламнинг объектлари бўйича белгиларнинг қаралаётган бирикмалари устунлигини баҳолаш асосида белгиларнинг афзал бирикмаларини танлаш амалга оширилади.

7-босқич. *Белгиларнинг афзал бирикмалари мажмуаси ёрдамида S_u ва S объектлар орасидаги яқинликни баҳолаш.* Мазкур босқичда радиал функциялардан фойдаланиб S_u ва S объектлар орасидаги яқинлик функцияси аниқланади. Радиал функция $R(S_u, S)$ сифатида S объекти S_u объектидан узоқлашганда радиал йўналишлар бўйича бир хил камаювчи мусбат функциядан фойдаланилади:

$$R(S_u, S) = \frac{1}{1 + \tau d(S_u, S)}, \quad d(S_u, S) = \sum_{u=1}^{k''} \omega_u \delta_{1u}(S_u, S),$$

бу ерда $d(S_u, S) - S_u$ ва S объектлар орасидаги умумий тафовут ўлчови бўлиб, u репрезентатив белгиларнинг k'' бирикмаси учун ҳисобланади.

8-босқич. *S объект учун K_j синф бўйича баҳолаш.* Мазкур баҳо барча поғоналардаги афзал яқинлик функциялар мажмуаси бўйича ҳисобланади:

$$B_j(S) = \sum_{S_u \in K_j} \gamma_u R(S_u, S),$$

бу ерда $\gamma_u - \omega_u$ танланмасида S_u объектнинг муҳимлигини характерловчи параметр.

\mathfrak{M}_3 модели куйидаги босқичлар кўринишида берилади.

1-босқич. Кучли боғланган объектларнинг қисм тўпламини ажратиши. Бу босқичда кучли боғланган $V_{\mathfrak{B}}$ объектларнинг m' та қисм тўплamlари уларнинг ўзаро яқинлигини баҳолаш орқали аниқланади. Мазкур босқични бажариш натижасида куйидаги шартларга жавоб берадиган қисм тўплamlар ажратилади:

$$V_{\mathfrak{B}} = \{V_1, \dots, V_q, \dots, V_{m'}\}; \quad V_{\mathfrak{B}} \subset V;$$

$$\bigcap_{q=1}^{m'} V_q = \emptyset; \quad \bigcup_{q=1}^{m'} V_q = V_{\mathfrak{B}}.$$

2-босқич. Репрезентатив объектларни ажратиши. Бу босқичда ҳар бир кучли боғланган объектлар V_q қисм тўпланининг типик вакили сифатида S_q^E репрезентатив объектлар мажмуаси аниқланади. S_q^E репрезентатив объектнинг компоненталарини V_q қисм тўплам элементларининг ўртача қиймати сифатида ҳисоблаш мумкин:

$$b_{qi} = \frac{1}{|V_q|} \sum_{S_u \in V_q} a_{ui}, \quad i = \overline{1, n}.$$

3-босқич. Кучли боғланган белгиларнинг қисм тўпламини ажратиши. Бу босқич \mathfrak{M}_1 моделининг 1-босқичи каби бажарилади, фақат кучли боғланган объектларга нисбатан бажарилиши билан фарқ қилади.

4-босқич. Репрезентатив белгилар мажмуаларини шакллантириши. Бу босқич \mathfrak{M}_1 моделининг 2-босқичи каби бажарилади, фақат кучли боғланган объектларга нисбатан бажарилиши билан фарқ қилади.

5-босқич. Афзал белгиларни ажратиши. Бу этап \mathfrak{M}_1 моделининг 3-босқичи каби амалга оширилади, фақат кучли боғланган объектларга нисбатан бажарилиши билан фарқ қилади.

6-босқич. $S_{\mathfrak{B}}^E$ ва S объектлар орасидаги $d(S_{\mathfrak{B}}^E, S)$ тафовут функциясини аниқлаш. Бу босқичда X'' афзал белгилар фазосида $S_{\mathfrak{B}}^E$ ва S объектлар орасидаги фарқни характерловчи тафовут функцияси аниқланади. Ушбу объектлар орасидаги фарқ куйидагича аниқланади:

$$d(S_{\mathfrak{B}}^E, S) = \sum_{q=1}^{n''} \lambda_q \rho(b_{uiq}, a_{iq}),$$

бу ерда $\rho(b_{uiq}, a_{iq}) - S_{\mathfrak{B}}^E$ ва S объектлар орасидаги фарқнинг x_{iq} белгиси орқали ҳисобланган баҳоси.

7-босқич. $S_{\mathfrak{B}}^E$ ва S объектлар орасидаги $\Upsilon(S_{\mathfrak{B}}^E, S)$ яқинлик функциясини бериши. Мазкур босқичда объектлар орасидаги яқинлик функцияси радиал функциялар асосида, масалан, куйидаги кўринишда аниқланади:

$$\Upsilon(S_{\mathfrak{B}}^E, S) = 1 / (1 + \tau d(S_{\mathfrak{B}}^E, S)).$$

8-босқич. S объект учун K_j синф бўйича тегишлилик баҳоси. Бу босқичда S объектнинг K_j ($j = \overline{1, l}$) синфига тегишлилиги баҳоланади. Ушбу баҳо j -

синфга $(S_{k_j-1+1}^E, \dots, S_{k_j}^E \in \bar{K}_j)$ тегишли бўлган барча репрезентатив объектлар баҳоларининг йиғиндиси сифатида ҳисобланган:

$$B(K_j, S) = \sum_{u=k_j-1+1}^{k_j} v_u \gamma(S_u^E, S).$$

\mathfrak{M}_4 модели куйидаги босқичлар кўринишида берилади.

1-босқич. Кучли боғланган объектларнинг қисм тўпламини ажратиши. Бу босқич \mathfrak{M}_3 моделининг 1-босқичи каби амалга оширилади.

2-босқич. Репрезентатив объектларни ажратиши. Бу босқич \mathfrak{M}_3 моделининг 2-босқичи каби берилади.

3-босқич Кучли боғланган белгиларнинг қисм тўпламини ажратиши. Бу босқич \mathfrak{M}_3 моделининг 3-босқичи каби бажарилади.

4-босқич. Репрезентатив белгилар мажмуасини шакллантириши. Бу босқич \mathfrak{M}_3 моделининг 4-босқичига мос келади.

5-босқич. S_u^E ва S объектлар орасидаги $d_v(S_u^E, S)$ тафовут функциясини аниқлаш. Бу босқичда икки ўлчамли \mathcal{D} ($\mathcal{D} = (\mathcal{D}_1, \dots, \mathcal{D}_u, \dots, \mathcal{D}_n)$, $\mathcal{D}_u = (x_{u_1}, x_{u_2}), x_{u_1}, x_{u_2} \in X'$) репрезентатив белгилар фазосида S_u^E ва S объектлар орасидаги фарқни характерловчи тафовут функцияси берилади:

$$\delta_{1v}(S_u^E, S) = \sum_{i=1}^2 \gamma_{1v_i}(b_{uv_i} - a_{v_i})^2.$$

6-босқич. Кучли боғланган репрезентатив белгилар бирикмасини шакллантириши. Бу босқич \mathfrak{M}_2 моделининг 4-босқичи каби бажарилади.

7-босқич Белгиларнинг репрезентатив бирикмасини ажратиши. Бу босқич \mathfrak{M}_2 моделининг 5-босқичи каби бажарилади.

8-босқич. Белгиларнинг афзал бирикмаларини ажратиши. Бу босқичда ажратилган репрезентатив объектларга нисбатан ҳар бир поғонада белгиларнинг афзал бирикмалари аниқланади. \bar{S}^m тўпламига тегишли бўлган объектлар учун қаралаётган яқинлик функциялари асосида \mathcal{D}_u ($\mathcal{D}_u \in \mathcal{D}, u = \overline{1, n}$) тўпламида бирикмаларни баҳолаш афзал функциялари топилади:

$$\begin{aligned} \mathcal{T}_u &= \mathcal{C}_u / \mathcal{W}_u, \\ \mathcal{C}_u &= \sum_{j=1}^{m'} \left(\left(\sum_{S_u^E \in E_j} \sum_{S \in \bar{K}_j} \delta_{1v}(S_u^E, S) \right) / N_{2j} \right), \\ \mathcal{W}_u &= \sum_{j=1}^{m'} \left(\left(\sum_{S_u^E \in E_j} \sum_{S \in \bar{K}_j} \delta_{1v}(S_u^E, S) \right) / N_{1j} \right), \end{aligned}$$

бу ерда $m_{1j} = |\bar{K}_j|$, $m_{2j} = |\bar{C}\bar{K}_j|$, $k' = |E_j|$, $N_1 = m_{1j} \times k'$, $N_2 = m_{2j} \times k'$.

9-босқич. S_u^E ва S объектлар орасидаги яқинлик функциясини бериши. Бу босқичда S объектнинг S_u^E репрезентатив объектга яқинлигини тавсифловчи

яқинлик функцияси аниқланади. Бундай функция сифатида, масалан, куйидаги кўринишдаги радиал функциядан фойдаланиш мумкин:

$$Y(S_u^E, S) = \frac{1}{1 + \tau d(S_u^E, S)} + \bar{d}(S_u^E, S),$$

$$d(S_u^E, S) = \sum_{u=1}^{k''} \omega_u \delta_{1u}(S_u^E, S),$$

$$\bar{d}(S_u^E, S) = \sum_{\substack{S_v \in \bar{E}_0 \\ S_v \neq S_p}} \sum_{u=1}^{k''} \omega_u \delta_{1u}(S_u^E, S),$$

бу ерда $\delta_{1u}(S_u^E, S)$ – биринчи поғонадаги тафовут функцияси.

10-босқич. K_j синф бўйича S объектининг баҳоси. Мазкур босқичда S объектининг K_j синфга тегишлилик баҳоси K_j синфига тегишли барча репрезентатив объектлар бўйича аниқланган баҳоларнинг йиғиндиси сифатида ҳисобланади:

$$B_j(S) = \sum_{u=1}^{|\mathcal{R}_j|} \gamma_u Y(S_u^E, S),$$

бу ерда $Y(S_u^E, S)$ – S объектининг S_u^E репрезентатив объектга яқинлигини кўрсатувчи баҳо.

Диссертациянинг «Радиал функцияларга асосланиб ишлаб чиқилган таниб олиш операторлари моделларини параметрлаш» номланган иккинчи бобида таклиф этилган таниб олиш операторлари моделларини параметрик тасвирлаш масалалари қаралган.

2.1- ва 2.2-параграфларда таниб олиш операторлари моделларининг берилиш босқичларини батафсил кўриб чиқиш асосида номаълум параметрлар ажратиб олинган бўлиб, уларнинг мажмуаси бу моделларнинг параметрик ифодасини куйидагича аниқлайди:

\mathfrak{M}_1 модели

$$\pi^{\theta_1} = (n', \{\tilde{\omega}\}, \{\tilde{\rho}\}, \{\lambda_i\}, \tau, \{\gamma_u\})$$

параметрлар билан;

\mathfrak{M}_2 модели

$$\pi^{\theta_2} = (n', \{\tilde{\omega}\}, \{\gamma_{ku_i}\}, \kappa', \{\omega\}, \{\bar{p}\}, \tau, \{c_u\}, \{\gamma_p\})$$

параметрлар билан;

\mathfrak{M}_3 модели

$$\pi^{\theta_3} = (m', \{\bar{\sigma}\}, n', \{\tilde{\omega}\}, \{\tilde{\rho}\}, \{\lambda_i\}, \tau, \{\zeta_p\})$$

параметрлар билан;

\mathfrak{M}_4 модели

$$\pi^{\theta_4} = (m', \{\bar{\sigma}\}, n', \{\tilde{\omega}\}, \{\gamma_{ku_i}\}, \kappa', \{\omega\}, \{\bar{p}\}, \tau, \{c_u\}, \{\gamma_p\})$$

параметрлар билан ифодаланади.

2.3-параграфда радиал функцияларга асосланган таниб олиш алгоритмларининг корректлиги ва тургунлигига доир тадқиқот натижалари келтирилган.

{Z} масалаларига нисбатан коррект алгоритмнинг мавжудлиги қуйидаги теорема орқали исботланган.

Фараз қилайлик, {A} алгоритмлар \mathfrak{M}_1 таниб олиш операторлари моделининг алгебраик туташуви доирасида қурилган бўлсин.

1-теорема. Агар {Z} масалалар тўплами

- 1) \bar{S}^q да I_0 га нисбатан изоморф объектлар мавжуд эмас;
- 2) $B(S)$ ($B \in \mathfrak{M}_1$) оператор чегараланган, яъни $0 \leq B(S) < \infty$;
- 3) $\bar{S}^m \cap \bar{S}^q = \emptyset$

шартларни қаноатлантирса, {A} тўпланда {Z} масала учун \mathcal{A}^* коррект алгоритм мавжуд.

Z масаласи учун алгоритмнинг тургунлиги қуйидаги теорема орқали аниқланади.

Фараз қиламиз, A алгоритм \mathfrak{M}_1 модель доирасида қурилган ихтиёрий таниб олиш алгоритми бўлсин, яъни

$$\mathcal{A} = B \cdot C(c_1, c_2), \text{ бу ерда } B \in \mathfrak{M}_1.$$

2-теорема. Агар \mathcal{A}^* алгоритми Z масаласи учун коррект алгоритм бўлса, унда у $\mathcal{U}_e(\bar{S}^q)$ да тургун бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган теоремалар \mathfrak{M}_2 , \mathfrak{M}_3 ва \mathfrak{M}_4 моделлар доирасида қурилган таниб олиш алгоритмлари учун ҳам тўғри эканлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг учинчи «Экстремал таниб олиш операторларини қуриш усуллариини ишлаб чиқиш» бобида экстремал таниб олиш алгоритмини қуриш масаласи шакллантирилган, ҳамда тақлиф қилинган таниб олиш операторлари параметрларининг қийматларини аниқлаш процедуралари келтирилган.

3.1-параграфда келтириб ўтилган таниб олиш операторлари доирасида экстремал таниб олиш операторини қуриш масаласи c ($c = (\bar{\pi}, c_1, c_2)$) вектор параметрларининг оптимал қийматини топишдан иборат:

$$c^* = \arg \max_c \varphi_A(c),$$

$$\varphi_A(c) = \frac{1}{|\bar{S}^m|} \sum_{S \in \bar{S}^m} \mathfrak{J}(\|\bar{\alpha}(S) - A(c, S)\|_B),$$

$$A(c, S) = B(\bar{\pi}, S) \cdot C(c_1, c_2),$$

$$\mathfrak{J}(x) = \begin{cases} 1, & \text{агар } x = 0 \text{ бўлса;} \\ 0, & \text{акс ҳолда,} \end{cases}$$

бу ерда $\|\cdot\|_B$ – бинар бул векторининг нормаси.

3.2-параграфда \mathfrak{M}_1 модели доирасида экстремал таниб олиш операторини синтез қилиш учун: афзал белгилар мажмуасини; объектлар орасидаги тафовут функцияларини; объект ва синф орасидаги умумлаштирилган тафовут функцияларини; объект ва синф орасидаги яқинлик функцияларини; объект

ва синф орасидаги умумлаштирилган яқинлик функцияларини аниқлаш процедуралари таклиф этилган.

3.3-параграф \mathcal{M}_2 модели доирасида экстремал таниб олиш операторини қуришга бағишланган. Мазкур параграфда икки ўлчамли репрезентатив белгилар фазосида объектлар ўртасидаги тафовут функцияларини, репрезентатив белгилар бирикмасининг кучли боғлиқ қисм тўплами; репрезентатив белгилар бирикмаси мажмуасини, белгиларнинг афзал бирикмалар орқали объектлар орасида яқинлик функциясини, объект ва синф орасидаги яқинлик функциясини қуриш процедуралари келтирилган.

3.4-параграфда \mathcal{M}_3 модели доирасида экстремал таниб олиш операторини қуриш учун: кучли боғланган объектлар қисм тўплamlарини; репрезентатив объектлар мажмуасини; репрезентатив объектларга нисбатан афзал белгиларни; репрезентатив объект ва таниб олинувчи объект орасидаги тафовут функциясини; репрезентатив объект ва таниб олинувчи объект орасидаги яқинлик функциясини ҳисоблаш; репрезентатив объектларнинг муҳимлигини аниқлаш процедуралари келтирилган.

3.5-параграфда \mathcal{M}_4 модели доирасида экстремал таниб олиш операторини қуриш масалалари қаралган ва икки ўлчамли репрезентатив белгилар фазосида репрезентатив объект ва таниб олиш объекти орасидаги тафовут функциясини; ажратилган репрезентатив объектларга нисбатан репрезентатив белгилар бирикмалари мажмуасини; ажратилган репрезентатив объектларга нисбатан белгиларнинг афзал бирикмалари мажмуасини; белгиларнинг афзал бирикмалари мажмуаси бўйича репрезентатив ва таниб олиш объекти орасидаги яқинлик функциясини; объектлар ва синф орасидаги яқинлик функцияларини қуриш процедуралари таклиф этилган.

Диссертациянинг тўртинчи «Репрезентатив белгиларнинг мажмуасини ажратиш процедурасини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш» бобида репрезентатив белгиларни ажратиш масаласи шакллантирилган ва ечилган, ҳамда экстремал таниб олиш операторларини қуришда энг муҳим бўлган репрезентатив белгилар мажмуасини шакллантириш ва кучли боғланган белгиларнинг қисм тўпламини ажратиш процедуралари таклиф этилган.

4.2-параграфда келтирилган кучли боғланган белгиларни ажратиш процедураси $X = \{x_1, \dots, x_n\}$ тўпламини n' кучли боғланган белгиларни $\Xi_1, \Xi_2, \dots, \Xi_{n'}$ қисм тўплamlарига бўлишдан иборат бўлиб, у қуйидагича амалга оширилди.

1-қadam. Бошланғич қиймат $k = 1$ берилади.

2-қadam. Яқинлик матрицаси $\left\| \mathcal{D}(\Xi_u^{(k-1)}, \Xi_v^{(k-1)}) \right\|_{(n-k+1) \times (n-k+1)}$ дан максимал элемент аниқланади ва унга мос қисм тўплamlар ягона қисм тўпламга бирлаштирилади.

3-қadam. $(n - k) = n'$ шarti текширилади. Агар шarti бажарилса, унда 5-қadamга ўтилади.

4-қadam. $(n - k)$ даражадаги $\|D(\Xi_u^{(k-1)}, \Xi_v^{(k-1)})\|_{(n-k) \times (n-k)}$ яқинлик

матрицаси шаклантирилади. k нинг қиймати 1 га орттирилади ва 2-қadamга ўтилади.

5-қadam. Тамом.

4.3-параграфда келтирилган репрезентатив белгиларни шаклантириш процедураси қуйидаги қadamлардан иборат.

1-қadam. Бошланғич $q = 1$ қиймат берилади.

2-қadam. $N_q = 1$ ҳолида Ξ_q тўпламга тегишли элемент репрезентатив белгилар тўпламига тегишли деб қабул қилинади.

3-қadam. Агар $N_q > 2$ бўлса, Ξ_q қисм тўпламнинг ҳар бир элементи учун

$$\mu_i = \sum_{j=1}^{i-1} \eta(x_i, x_j) + \sum_{j=i+1}^{N_q} \eta(x_i, x_j)$$

ҳисобланади ва репрезентатив белги

$$\mu_j^* = \max_{i \in [1, N_q]} \mu_i$$

шартга кўра танланади.

4-қadam. Агар $N_q = 2$ бўлса,

$$\mu_i = \sum_{j=1}^{N_0} \eta(x_i, x_j), \quad i = 1, 2, \dots, 2k; \quad j = 1, 2, \dots, N_0$$

ҳисобланади ва репрезентатив белги

$$\mu_j^* = \min_{i \in [1, N_q]} \mu_i$$

шартга кўра танланади.

5-қadam. Агар $q < n'$ бўлса, q нинг қиймати 1 га орттирилади ва 2-қadamга ўтилади.

6-қadam. Тамом.

Диссертациянинг бешинчи «Ишлаб чиқилган алгоритмларнинг модель ва амалий масалаларни ечишдаги тажрибавий тадқиқоти» бобида модель масалани ва бир неча амалий масалаларни ечиш мисолида ишлаб чиқилган таниб олиш алгоритмлари моделларининг самарадорлиги тадқиқотининг натижалари келтирилган. Бунда масалаларни ечиш натижаларининг қиёсий таҳлили қуйидаги уч параметр бўйича амалга оширилган: таниб олиш аниқлиги (% ларда); таниб олиш алгоритмини ўқитишга сарфланган вақт (секундларда); назорат танланмасидаги объектларни таниб олиш учун сарфланган вақт (секундларда). Ушбу параметрлар силжувчан назорат усули асосида ҳар бир кўрилаётган масала учун ўқув ва назорат танланмаларга бўлишлар йўли орқали ҳисобланди. Ҳар бир бўлинган танланма учун таниб олиш аниқлиги ва вақт кўрсаткичларининг ўртача қиймати сифатида аниқланди.

5.1-параграфда бошлангич маълумотларни қайта ишлашнинг олдин ишлаб чиқилган ва ишда таклиф этилган таниб олиш алгоритмларини амалга оширадиган дастурий мажмуанинг умумий тузилиши кўриб чиқилди.

5.2-5.4-параграфларда модель ва амалий масалаларни ечиш натижалари келтирилган. Бу масалаларда қиёсий таҳлил қилиш учун таникли таниб олиш алгоритмлари моделларидан, хусусан, потенциаллар тамойилига асосланган П-моделидан ва баҳоларни ҳисоблашга асосланган Г-моделидан ҳамда ишда таклиф қилинган моделлардан фойдаланилган. Таъкидлаш лозимки, ҳамма тажрибаларда V бошлангич маълумотларни ўқув ва назорат танланмаларига бўлиш сирпанувчан назорат усули асосида амалга оширилган.

5.2-параграфда ечилган модель масаланинг моҳияти қуйидагидан иборат. Синфлар сони 2 та. Танлов объектларининг ҳажми 600 та (ҳар бир синф учун 300 та объектдан) ташкил топган. Белгилар сони 180 тага тенг, кучли боғланган қисм тўпламларининг сони 6 та:

$$|\mathcal{E}_1| = 35, |\mathcal{E}_2| = 20, |\mathcal{E}_3| = 2, |\mathcal{E}_4| = 3, |\mathcal{E}_5| = 50, |\mathcal{E}_6| = 70.$$

1-жадвалда П-модели, Г-модели ва \mathcal{M}_2 модели алгоритмлари ёрдамида ечилган модель масалани ечишнинг ўртача натижалари келтирилган.

1-жадвал

Тажриба натижалари

Таниб олиш алгоритми	Вақт, с		Таниб олиш аниқлиги, %
	Ўқитиш	Таниб олиш	
П- модель алгоритми	3,0161	0,0769	79,67
Г- модель алгоритми	8,1274	0,0981	81,45
\mathcal{M}_2 -модель алгоритми	12,1128	0,00223	94,07

1-жадвалдан кўриниб турибдики, \mathcal{M}_2 моделининг алгоритми ўзаро боғлиқ белгилар фазосида тавсифланган объектларини таниб олиш аниқлигини оширишга имкон берди. Белгиларнинг афзал бирикмалари фазосини шакллантиришда мураккаб процедураларидан фойдаланиш ўқитиш вақтининг бироз ошишига олиб келди. Айни вақтда бошлангич белгилар тизимини белгиларнинг афзал бирикмаларига алмаштириш ҳисобига таниб олиш вақти аҳамиятли даражада қисқарди.

5.3-параграфда геологик башорат (прогноз) қилиш масаласини ечиш натижалари келтирилган. Ушбу масалани ечиш учун таклиф қилинган \mathcal{M}_1 моделининг биринчи босқичидан фойдаланилди ва олинган натижалар мазкур соҳасидаги мутахассисларнинг тахминларига мос келиши тасдиқланди.

5.4-параграфда шахсни биометрик идентификация қилиш ва аутентификация қилиш масалаларини ечиш натижалари келтирилган. Кулоқ чиганокларининг тасвир бўйича шахсни идентификация қилиш масаласида дастлабки V маълумотлар танланмаси 500 та (250 тадан ўнг ва чап) кулоқ чиганоклари тасвирини ўз ичига олган. Синфлар сони 5 га тенг. Ҳар бир синф битта одамнинг 50 та кулоқ чиганоклари жуфтлиги тасвирини ўз ичига олган.

Кулоқнинг чиганоқлари тасвири 147 та белги билан тасвирланган. Масаласини ечиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Кулоқ чиганоқлари тасвирларига кўра шахсни аниқлаш масаласини ечиш натижалари

Таниб олиш алгоритми	Вақт, с		Таниб олиш аниқлиги, %
	Ўқитиш	Таниб олиш	
П-модель алгоритми	1,3869	0,0083	83,07
